



ИНСОН ҚОНУН

29 сентябрь 2020 йил / № 38 (1242)

www.hudud24.uz

insonvaqonun@adliya.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ



366 ХОДИМЛАРГА
МИЛЛИОН СЎМ
ҚЎШИМЧА ТЎЛВАР ТЎЛАБ БЕРИЛДИ

“КЎЗИ ОЧИЛМАГАН” ОТА
ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

ҚАШШОҚЛИКДАН БОЙЛИККАЧА:
ВАЙРОНГАРЛИК ВА ЗЗГУЛИК ОРАСИДАГИ ОДАМ

МАРКАЗ ISO 17025:2019 СТАНДАРТИГА ЭГА БЎЛДИ

АДЛИЯ вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази Ўзбекистонда суд экспертлик фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар орасида биринчи бўлиб “Тадқиқот ва калибрлаш лабораторияларининг ваколатлилигига қўйилган талаблар” ISO 17025:2019 стандарт талаблари бўйича халқаро аккредитация аттестатини қўлга киритди. Марказ куйидаги мезонлар асосида ўрганилди. Лабораторияларнинг замон талабларига мос равишда жиҳозланганлиги, ушбу лабораторияларда ишлайдиган ходимларнинг ваколатлилиги, яъни, тегишли малакага эга эканлиги ва лабораторияларнинг сифат тизимига мослиги кабилар текширувдан ўтказилди.


Шунингдек, 2018 йилда лойиҳа доирасида аккредитация бўйича халқаро маслаҳатчилар жалб этилди ва Марказ лабораториялари фаолиятининг ISO 17025:2019 халқаро стандарт талабларига мувофиқлик даражаси баҳоланди.

Марказ ходимлари ISO 17025:2019 халқаро стандарт талаблари бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, валидация ва верификация, ўлчов ноаниқлиги, тузатиш ҳаракатларини ўтказишни назорат қилиш, тадқиқотлар узвийлигини кузатиш, ДНК ва наркотик моддалар экспертизасининг замонавий имкониятлари, аккредитация соҳаси ва ички аудит ўтказиш мавзулари бўйича ўқув семинар ва тренингларида иштирок этиб, махсус сертификатларга эга бўлишди. Шунингдек, Марказ ходимлари махсус делегация билан биргаликда Литва Республикаси Полиция криминалистик тадқиқотлар марказида малака оширди.

2018-2019 йилларда Марказнинг Одам ДНКси суд биологик экспертизаси лабораторияси ҳамда Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси лабораторияларида сифат менежменти ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича эксперт-маслаҳатчилар ёрдами жалб этилди.

Таъкидлаш жоиз, қўлга киритилган аккредитация Марказга тадқиқотлари халқаро стандартлар даражасида бажариш имкони бериб, бу эса олинган натижаларни барча томонлар ва иштирокчилар томонидан тан олиншини таъминлайди.

Гулҳаё НУРМЕТОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири



БУГУНГИ кунда юртимизда Темурбеклар, Президент мактаблари, ихтисослаштирилган ҳамда ижод мактаблари, лицей, коллеж, диний мадрасалар, диний олийгоҳлар дунё стандартларига жавоб берадиган қилиб бунёд қилинди, қайта таъмирланди. Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати, “Астрономия ва аэронавтика” боғи ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда таълим сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга хизмат қилди. Яқинда Тошкент шаҳридаги 110-мактаб замонавий услубда, энг сўнгги ютуқларни ўз ичига олган синф хоналари ҳар бир фан соҳасига монанд жиҳозлантирилган ҳолда ўқувчиларга тақдим этилгани ҳам таҳсинга сазовордир.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра, Тошкент давлат шарқшунослик институти негизда Тошкент давлат шарқшунослик университети ташкил этилганлиги нафақат институти университет сифатида такомиллаштириш, балки университет ҳузуридаги академик лицей фаолиятини ҳам такомиллашти-


риш ҳамда хориж тилларини ўрганиш борасида чекка ҳудудларда техникум ва курслар ташкил этиш масаласида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бугун чет тилларида равон сўзлашаётган, дунё ўқувчилари орасида биринчи ўринни эгаллаб келаётган ёшлар билан, Ибн Сино, Беруний ва Форобийларнинг давомчилари, деб фахрланамиз.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига кўра, Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицей битирувчиларини ТДЮУ бакалавриятга тест синовларисиз, яқна тартибда суҳбат ўтказиш орқали ўқишга қабул қилиш тартиби жорий этилиши ҳам ёшлар учун зўр имконият бўлди.

Устоз улугланган юртнинг келажаги порлоқ бўлиши тарихдан ҳам аёнدير. Давлатчилигимиз тарихида энг катта обрў ва мавқега ўқитувчи, устоз ва мураббийлар эга бўлгани айни ҳақиқатдир. Жумладан, бу ҳақда Алишер Навоий таъкидлаганидек: “Ҳақ йўлида ким сенга бир харф ўқитмиш ранж ила, Ай-

ламак бўлмас адо, онинг ҳақин юз ганж ила”. Асрлардан асрларга ўтиб ўлмас меросларнинг келажақ ворисларга етиб келиши, инсоният тамаддунига ўчмас нақшлар ила қайд этилган. Бу ютуқ ва марраларда ҳам устоз ва мураббийларнинг номи алоҳида зикр этилади. Аслида ўқитувчи маънавий бой, ахлоқий пок инсон бўлмоғи лозим. Ақл-идроқларини, билим ва зеҳнларини қалб-қўрию меҳрини ёш авлодга бера оладиган устоз миллат ва тараққиёт пойдеворидир. Эътибор беринг-а, юртимизда устоз ва мураббийлар жуда қадрланади. Жумладан, ҳар йили 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар кuni қонун билан умум-халқ байрами сифатида кенг нишонланади. Президентимиз 2018 йил 21 июнда халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ўқитувчининг обрўсини ошириш мақсадида зарур топириқлар берар экан, “Ўқитувчини ҳурмат қилмагани, мен ҳам ҳурмат қилмайман”, деб алоҳида таъкидлади. Мамлакатимизда ўқитувчи-мураббий обрўсини кўтариш борасида қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

5-БЕТ



Биз Сиздан пул сўрамаймиз! Беминнат ёрдам берамиз. БИЗ ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!

? Хорижий тил ўрганиш учун меҳнат таътилини узайтириш мумкинми?

— Иш жойимда хорижий тилни билиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли мен меҳнат таътилим даврида ўқув марказида тил ўрганаётганим. Аммо меҳнат таътилим тугади. Уни узайтирсам бўладими?



— Ходимлар куйидаги ҳолларда таътилни узайтириш ёки бошқа муддатга кўчириш ҳуқуқига эгадирлар:

- вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида;
- ҳомиладорлик ва туғиш таътили муддати бошланганда;
- йиллик таътил ўқув таътилига тўғри келиб қолганда;
- давлат ёки жамоат вазифаларини бажарётганда, башарти қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда бундай вазифаларни бажариш учун ходимни ишдан озод этиш назарда тутилган бўлса.

? Иш стажига ҳақидаги ҳужжатлар йўқолган бўлса уларни қандай тиклаш мумкин?

— Пенсия ёшига етдим. Аммо иш стажимга оид ҳужжатлар йўқолибди. Уларни тиклаш мумкинми?


— Пенсия олиш ҳуқуқи пайдо бўлган фуқаролар кўпинча иш стажига ва иш ҳақи тўғрисидаги маълумотлар корхона ва ташкилотларда сақланмаганидан ёки улар томонидан архив идораларига сақлаш учун топширилмаганидан ҳамда ўзлари томонидан йўқотилганидан азият чекишади. Бу каби ҳолатларда муаммонинг ечимини топиш учун фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти оид қонун ва қонуности ҳужжатларига асосан иш юритилса тўғри бўлади.

“Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда иш стажини тасдиқлаш бўйича куйидаги тартиблар белгиланган:

Иш стажига тўғрисида ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда меҳнат фаолияти даврлари суднинг қарори билан белгиланади, шунингдек, Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлиналари фуқароларга иш стажини тасдиқлаш учун қонунчиликда назарда тутилган асос мавжуд бўлган тақдирда судларга даъволар тайёрлашда кўмаклашади.

Авариялар ва маҳаллий кўламдаги бошқа фавқулодда вазиятлар (ёнгин, сув босиши), ташкилотнинг тўлиқ тугатилиши ёки бошқа сабаблар бўйича архив маълумотларининг мавжуд эмаслиги муносабати билан мавжуд иш стажига тўғрисидаги маълумотларни олиш имкони бўлмаганда иш стажига суд тартибидан белгиланади.

Пенсия жамғармаси бўлими томонидан чиқарилган иш стажини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик тўғрисидаги қарор билан рози бўлинмаган тақдирда ҳам ушбу масала суд томонидан ҳал этилади.



Саволларга Мадад ННТнинг Навоий вилоят Навбахор тумани ҳуқуқий маслаҳат бюроси бош мутахассиси **Бунёд ХОЛМУРОДОВ** жавоб берди.

? 58 ёшдан пенсияга чиқса бўладими?



— Ҳозирда 58 ёшдан. Ишлаётган корхона тугатиш муносабати билан ишсиз қолганман. Мен шу ёшимда ҳам ёшга доир пенсияга муддатидан олдин чиқишим мумкинми?

— “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасига асосан технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган шахслар:

- эрақлар — 58 ёшга тўлганда ва иш стажига камидан 25 йил бўлган тақдирда;
- аёллар — 53 ёшга тўлганда ва иш стажига камидан 20 йил бўлган тақдирда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

? Меҳнат дафтарчасининг дубликатини олиш учун ҳақ тўланадими?



— Меҳнат дафтарчасини йўқотиб қўйганлигим сабабли охириги иш жойимга меҳнат дафтарчасининг дубликатини олиш учун муурожаат қилдим. Иш берувчи эса бунинг учун ҳақ талаб қилмоқда. Бу қонунийми?

— “Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида”ги йўриқномага кўра, меҳнат дафтарчаси йўқотиб қўйилган тақдирда, шунингдек, фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган (йиртилган, ёнган, ёзувлари бўялган) ҳолларда меҳнат дафтарчасининг дубликати ходимнинг охириги иш жойидан берилади.

Янги меҳнат дафтарчалари (дубликати)ни беришда иш берувчи ходимдан қонун ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 фоизигача миқдоридан ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

? Сифати ўтган маҳсулот сотиб олганда нима қилиш керак?

— Дўкандан муддати ўтган соҳисқа маҳсулотини сотиб олган эканман. Бунга уйга келгач билдим. Маҳсулотни дўкон эгаси қайтариб оладими?



— Истеъмолчиға нуқсонли товар сотилган тақдирда истеъмолчи ўз хоҳишига кўра куйидагиларни ва

- товарни шундай маркали товарга алмаштириб олиш;
- товарни бошқа маркали (моделли) товарга алмаштириб, нархини қайта ҳисоб-китоб қилиш;
- нуқсонларни бепул бартараф этишни ёки харажатларни қоплашни талаб қилиш;
- нархни камайтиришни талаб қилиш;
- шартномани бекор қилиш ва кўрилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.



Ходимларга 366 миллион сўм қўшимча тўловлар тўлаб берилди

САМАРҚАНД вилоят адлия бошқармаси томонидан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ва туман, шаҳар бўлимлари ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бўйича тариф коэффициентини ҳамда лавозим маошига соғлиқ учун хавфлилиги ва оғир шароитлари учун белгиланадиган қўшимча тўловлар тўлаши аҳоли мониторинг асосида сўров йўли билан ўрганилди.

Ўрганишда санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати органлари томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, туманларда жами 366 004 581 сўм ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бўйича тариф коэффициентининг оширилган миқдори ҳамда лавозим маошига соғлиқ учун хавфлилиги ва оғир шароитлари учун белгиланадиган қўшимча тўловлар тўланмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Президентимизнинг 2020 йил 24 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизмати ходимларини янада рағбатлантириш чора-тадбир-

лари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари тиббиёт ходимларининг:

- лавозим маошига меҳнатнинг соғлиқ учун хавфлилиги ва оғир шароитлари учун белгиланадиган қўшимча тўловлар миқдорини тегишчанча 15 фоиздан 50 фоизга ҳамда 40 фоиздан 75 фоизга ошириш;
- меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари бўйича тариф коэффициентини 5 фоизга оширган ҳолда қўллаш орқали уларни моддий рағбатлантириш белгиланган.

Шу муносабат билан вилоят адлия бошқармаси томонидан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармасига қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилиб, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати вилоят ҳудудий бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари ходимларига жами 366 004 581 сўм миқдоридан пул маблағлари тўлаши таъминланди.

Сардорбек МАЖИДОВ,
Самарқанд вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

ҲАММАСИ ХАЛҚ УЧУН



ХОРАЗМ вилоят адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги туман (шаҳар) адлия бўлимлари томонидан ҳам мўайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Адлия бўлимлари фуқароларга ҳуқуқларини тушунириш билан чеklangиб қолмай, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда кўмаклашиб келмоқда.

Хусусан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган 29 та қарор лойиҳалари ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, уларнинг 23 тасига расмий розилик берилди. Шунингдек, адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги адлия бўлимлари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, юридик хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш, норма ижодқорлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишни таъминлаш борасида ўтказилган 175 та (шундан адлия бўлимлари томонидан 137 та) режа-тадбирлар давомида 13 мингдан ортиқ (шундан адлия бўлимлари томонидан 8321 та) ортиқ қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида адлия бошқармаси ва унинг тизимидаги адлия бўлимлари томонидан тегишли мансабдор шахслар номига 462 та (шундан адлия бўлими томонидан 344 та) тақдимнома ва 2165 та (шундан адлия бўлимлари томонидан 2014 та) огоҳномалар киритилиб, 191 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шундан 8 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Бундан ташқари, айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича судларга ва бошқа ваколатли органга киритилган 97 та маъмурий баённома ва тақлифлар асосида 85 нафар шахснинг маъмурий жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш, моддий ва маънавий зарарларни ундириш тўғрисида судларга жами 2 миллиард 204 миллион 344 минг сўмлик 519 та (шундан адлия бўлимлари томонидан 1 миллиард 171 миллион 370 минг сўмлик 461 та) даъво аризалари киритилди.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармаси томонидан жами 584 та нодавлат нотижорат ташкилоти рўйхатдан ўтказилган бўлиб, шундан 380 таси давлат рўйхатига, 204 таси ҳисоб рўйхатига олинган.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида 12 867 та (шундан адлия бўлимлари томонидан 12 353 та) ҳуқуқий тарғибот тадбири ташкил этилди.

Бундан ташқари, давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан 10 мингдан ортиқ нотариал ҳаракат бажарилиб, 11 миллиард 988 миллион 091 минг сўмдан ортиқ миқдордаги давлат божи, 580 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги герб йиғими ундирилди, 2 миллиард 829 миллион 864 минг сўмлик пуллик ҳуқуқий хизмат кўрсатилди.

Шуни таъкидлаш керакики, Хоразм вилоят адлия бошқармаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилишга ва муносабатларини унинг муаллифи иштирокида кўриб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларга қонун талаблари, муносабатларни ҳал қилиш тартиби ва муддатларини тушунириш ишлари янада кучайтирилган.

Айбек МАШАРИПОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи

МОДДИЙ ЁРДАМ АЖРАТИЛДИ

Шайхонтоҳур туман адлия бўлими томонидан фуқаро Х.Ҳакимованинг оилавий шароити туфайли моддий ёрдам олишда амалий ёрдам сўраб қилган муурожаати кўриб чиқилди.

Шайхонтоҳур туман Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига сўровнома юборилиб, улар томонидан тақдим қилинган маълумотга кўра, Х.Ҳакимова яшаш шароити ўрганиш жараёнида моддий ёрдамга муҳтожлиги аниқланди. Шундан сўнг "Кохота" МФЙ томонидан фуқарога моддий ёрдам ажратилиши таъминланди.

Азимбой НУРИЛЛАЕВ,
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси



Иш ҳақлари 3 РАЗРЯДГА ОШИРИЛГАН аммо тўланмаган...

Дўстлик туман адлия бўлими томонидан ветеринария участкаларидаги ходимларнинг аризаларига асосан ўрганиш ўтказилди. Президентимизнинг 2019 йил 28 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қароридан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ветеринария участкаларидаги 1 500 нафар ходимга қўшимча равишда чорва моллари наслини яхшилаш ва сунъий уруғлантириш вазифаси юклатилаётганлигини инобатга олиб, уларнинг тариф разрядларини 3 разрядга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилган.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг буйруғига кўра, ветеринария участкаларидаги ходимларнинг разрядлари 3 разрядга оширилганлиги инобатга олинган.

Дўстлик туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими томонидан 2020 йил 1 январь ойига қадар ветеринария участкаларидаги 8 нафар ходимнинг иш ҳақи 3 разрядга оширилган ҳолда жами 13.486.773 сўм тўланмасдан келинган.

Туман адлия бўлими томонидан ветеринария участкаларидаги 8 нафар ходимнинг манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судига аризалар киритилиб, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими томонидан 2020 йил 1 январь ойига қадар ветеринария участкаларидаги 8 нафар ходимнинг иш ҳақлари тўлиқ ундириб берилди.


Саид РАХИМОВ,
Дўстлик туман адлия бўлими бошлиғи

Ширин шаҳар ҳокимлиги шартнома шартларини бузди

ТАДБИРКОРЛАР давлат ҳимоясида, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш дегер талабидир. Зеро, қонун барча учун баробар. Бир муурожаат юзасидан фикримизни давом эттирсак. Ширин шаҳар ҳокимлиги "PRO100 HI-TECH MEBEL" масъулияти чекланган жамияти билан тузилган шартнома шартларини бузди. Бу ҳақда шаҳар адлия бўлимига келиб тушган муурожаатда баён қилинган.

Таъкидланишича, тарафлар ўртасидаги шартномага мувофиқ, "PRO100 HI-TECH MEBEL" МЧЖ ва Ширин шаҳар ҳокимлиги ўртасида қиймати 65.000 000 сўмлик олди-сотди шартномаси тузилган бўлиб, унга кўра, тадбиркор озик-овқат маҳсулотлари, идора мебеллари етказиб берган. Бироқ шаҳар ҳокимлиги белгиланган суммани тўлаб бермаган ва шартнома шартларини бажармаган.

Бундан ташқари, "PRO100 HI-TECH MEBEL" МЧЖ томонидан шаҳар ҳокимлигига шартнома шартларини бажариш юзасидан талабномалар юборилган, ammo уларнинг барчаси ҳокимият томонидан эътиборсиз қолдирилган. Тадбиркорнинг муурожаати асосида мазкур ҳолат шаҳар адлия бўлими томонидан ваколат доирасида ўрганилиб, "PRO100 HI-TECH MEBEL" масъулияти чекланган жамияти манфаатида иқтисодий ишлар бўйича Бо-



ёвут туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Суд томонидан мазкур иш кўриб чиқилиб, тадбиркор фойдасига етказилган зарарни ундириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилди. Адлия кўмагида кўрилган зарар қопланди, тадбиркорнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинди.

Бекзод ҒАЙБУЛЛАЕВ,
Ширин шаҳар адлия бўлими бош
маслаҳатчиси

АЗАЛ-азалдан мактаб тарбия ва билим учоғи бўлиб келган. Таълим эса ҳар қандай жамиятда сув билан ҳаводай зарур бўлган. Мамлакатимизда узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда таълим самардорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Аммо қутилмаганда бутун дунёни коронавирус пандемиясининг офати ларзага солди. Барча соҳалар қатори бу кўзга кўринмас ёв таълим тизимига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади.

Бу йил эса ҳар йили анъанага айланб қолган 1 сентябрь билимлар кунда мактабларда кўнгирок чалинмади. Бу ҳолат, айниқса, илк бор мактаб остонасига қадам қўяётган жазоки ўғил-қизлар ва устоз-мураббийларнинг кўнглини ранжитди. Аммо таълим соҳаси мутахассислари коронавирус пандемияси вақтида ўқувчиларни ўз устида ишлашга ва билим олишни давом эттиришга қақирди.

— Туманимизда 57 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, ҳозирда 28 минг нафардан ортиқ ўғил-қизлар таълим олиб келмоқда. Ўқувчиларга 2,5 минг нафардан зиёд устозлар мураббийлик қилади, — дейди Оқдарё туман ҳалқ таълими мудири Сурайё Ортиқова. — Дунёга вабодек бостириб келган коронавирус, деган офат олдида эсанқираб қолмадик. Март ойининг иккинчи ярмида офлайн



“**Туманда 57 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, ҳозирда 28 минг нафардан ортиқ ўғил-қизлар таълим олиб келмоқда. Ўқувчиларга 2,5 минг нафар зиёд устозлар мураббийлик қилади**”

ўқитиш тўхтатилгандан сўнг янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўра бошладик. Жумладан, барча мактабларда капитал ва жорий таъмирлаш ишлари якунига етказилди. Бошқача айтганда, янги ўқув йилига тайёргарлик кўрилди. Бундан ташқари, рўй берган офатнинг олдини олиш, келажакимиз бўлмиш ўқувчиларимизни соғлигини кўз қорачиғидек асраш учун туман мактабларига 75 миллион сўмлик дори воситалари ва бир миллион сўмлик антисептик ҳамда 92 дона пирометрлар етказиб берилди. Режа бўйича жорий йилда туман мактабларида шу йилнинг 14 сентябридан бошлаб ҳалқ таълими вазирлиги ҳамда Республика махсус комиссиясининг кўрсатмасига биноан пандемия шароитидан келиб чиқиб мактабларда ўқитиш белгиланган эди. Бироқ туманимизда ўқиш шу йилнинг 29 сентябридан бошланадиган бўлди. Ўқиш ва ўқитишга пухта ҳозирлик кўрилиб,

ҳалқ таълими вазирлиги ҳамда Республика махсус комиссияси талабига риоя қилган ҳолда дарслар ўтилади. Насиб этса жорий йилда ҳар қандай шароитда ҳам дарсларда узилиш бўлмайд.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Туманимиз ўқитувчилари ва ўқувчилари ўтган даврда кўпгина муваффақиятли натижаларни қўлга киритди. Жумладан, Тошкентда ўтказилган “Еш китобхон” республика кўрик-танловида 48-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Гулсанам Абдулҳакимова фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва шаффоф институтлар орқали коррупцияга қарши курашиш” лойиҳаси ҳамкорлигида ўтказилган “Коррупция — тараққиёт қушандаси” номли иншолар танловида 17-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Кумуш Абдураззоқова фахрли учинчи ўринни эгаллади. 11-синф ўқувчиси Мадина Қанотова “Зулфия” номлидаги Давлат мукофотига лойиқ топилди. Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган “Энг яхши назорат материаллари” кўрик-танловида эса

47 та умумтаълим мактабининг математика ўқитувчиси фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

Тумандаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг география ва иқтисод фани ўқитувчиси Феруза Раҳимова республикадаги тажрибали ижодкор ўқитувчилардан ҳисобланади. Шунингдек, у 6-11 синфлар учун география ва иқтисод фанидан ҳар бир мавзу учун “Power Point” дастурида слайдлар тўпламини яратган.

Туман фан оилгида ўтказилган билимлар фестивалида ўқитувчилар И. Турдимуродова, Д. Саидов ва О. Эркаев мунтазам муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. У география ва иқтисод фани ўқитувчилари учун ўзининг тажриба мактабини яратган.

Мухтасар қилиб айтганда, азалдан билимлар қасри бўлган мактаблар қутлуғ даргоҳ саналган. Энг асосийси, унда келажакимизнинг мустақам пойдеворлари қўйилади. Шунинг фахр билан айтиш мумкинки, истиқлол йилларида мактабларимиз ана шундай юксалиш пиллапоаяларидан дадил қадам ташлади ва у бахтиёр ўғил-қизларимизнинг энг сеvimли даргоҳига айланди.

Азим ҚОДИРОВ,
“Инсон ва қонун” муҳбири

БЕКОБОД тумани марказидан 60-65 чақирим олисдаги “Қўқони” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида туман Давлат хизматлари марказининг филиали иш бошлади. Эндиликда саккиз мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қиладиган “Шова”, “Қуштамғали”, “Қўқони”, “Янги овул”, “Ачамайли”, “Найман” ва “Уяс” маҳаллалари аҳолисига ҳафтанинг икки иш кунинда тез, қулай ва шаффоф тарзда хизмат кўрсатилади. Мазкур филиал орқали бир кунда 100 дан зиёд фуқарога барча давлат хизматлари, жумладан, ҳозирги кунда мавжуд 140 дан зиёд давлат хизматлари кўрсатилади. Бу эса, аҳолига кўплаб қулайлик ва имкониятлар яратиб, уларнинг ортиқча оворагарчилигини бартараф этади.

— Филиалнинг очилиши биз каби кексалар учун, айниқса, катта қулайлик яратди, — дейди “Қўқони” маҳалласида истиқомат қилувчи 80 ёшли Хидирали ота Ҳолмирзаев. — Туман марказига бориш учун анча қийинчиликлар билан 2 та уловга чиқиларди. Вақтимиз кетарди, йўлқира ҳам шунга яраша эди. Маҳаллаимизда Давлат хизматлари маркази филиалининг очилгани бизга катта қулайлик яратди, узогимиз яқин бўлди.

Бугун олис ҳудудларимизда давлат хизматлари марказлари шохобчаларининг фаолият олиб бораётганини кишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ихтимойий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ҳаётини яхшилашга ва уларнинг давлат хизматларидан фойдаланиши

Янги имкониятлар янада қулайлик яратмоқда

имкониятларини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга бевоқифа ҳисса қўшади.

“Эшонобод” ва “Тонг юлдузи” маҳаллалари Чиноз туманининг энг баҳаво, сўлим ва обод гўшаларидан. Бу ҳудудда бўлганингизда янги тураржойлар, мадания-маиший иншоотлар, савдо мажмуалари, тиббиёт маскани, боғча, бир-бирдан гўзал дам олиш майдонлари, хиёбонлар кўзингизни қувнатади. Аслида, адирликларда жойлашган бу манзиллар табиати билан одамларни лол қолдирган. “Обод кишлоқ” дастури доирасида бу ерда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бажарилиб, йўллар асфальтланди. Бундай ўзгаришлар одамларнинг ҳаётига ўтган қисқа вақт ичида ўзгача мазмун, турмушига фаровонлик олиб кирди.

Бир ярим мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган “Тонг юлдузи” маҳалласида 2018 йилда туман Давлат хизматлари марказининг филиали ташкил этилган эди. Шу кунгача одамлар у ёки бу маълумотнома олиш ёки тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказиш учун йўл юрмай, вақтини кетказмай, ортиқча оворагарчисиз шу ернинг ўзида давлат хизматларидан фойдаланмоқда. Маълумотларга қура, ўтган давр мобайнида маҳалла аҳолиси ва тадбиркорлик

субъектларига 300 дан ортиқ хизмат кўрсатилди.

“Эшонобод” маҳалла фуқаролар йиғинида 3 минг 200 га яқин аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла аҳолисига қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда тезкор, шаффоф, юқори сифатли давлат хизматлари кўрсатиш мақсадида “Эшонобод” МФЙ биносида Давлат хизматлари маркази шохобчаси фаолиятини бошлади. Ушбу филиал зарурий меъёлар, замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминланди. Одамларни рози қилиш, уларнинг

юмушини энгиллатишда бу каби филиалларнинг хизмати катта. Шу кунги 10 га яқин фуқароларга давлат хизматлари кўрсатилди.

— Филиалда ташриф буюрувчилар учун яратилган имкониятлар, айниқса, ходимларнинг самимийлиги ва ширин сўзлиги кўнглимизни тоғдек кўтарди. Авваллари бир варақ қозғони олиш учун, олис йўл босиб, туман марказига боришимизга тўғри келарди. Турли идораларда эшикма-эшик сарсон бўлардик. Оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шугулланамиз.



Юртимизда коронавирус пандемияси сабаб, фаолиятимизни тўхтатган эдим. Марказ шохобчасида 10 дақиқа ичида қайта рўйхатдан ўтиб, фаолиятимизни қайта тикладим. Бугунги шароитни, ишларидagi унумдорликни кўриб, Мухтарам Президентимиз ташаббуси билан давлат хизматлари марказлари ва унинг филиаллари ташкил этилганлиги биз фуқаролар манфаати йўлида амалга оширилган энг муҳим қарор бўлганлигига шубҳам қолмади, — дейди филиалга ташриф буюрган Сайёра Аҳмедова.

Тезкорлик, осон ва қулай шароит. Бугун ушбу таърифларни юртимизнинг олис ҳудудларда ташкил этилаётган филиалларга нисбатан ҳам қўллашсини мумкин. Яратилаётган бундай қулайликлардан барча юртдошларимиз мамнун бўлмоқда.

Эркин ДОРИПОВ,
ДХА Тошкент вилоят бошқармаси масъул ходими

Дунёда Нобель мукофоти ҳақида эшитмаган одам бўлмаса керак. Шунингдек, буюк халқаро унвонга сазовар бўлишни орзу қилган инсонлар ҳам талайгина. Лекин Нобель мукофотининг асосчиси Альфред Нобелнинг қашшоқликдан то беҳисоб бойликка қадар босиб ўтган сермашаққат ҳаёт йўли ва ихтиролари ҳақида ҳамма ҳам билвермаслиги мумкин.

ҚАШШОҚЛИКДАН БОЙЛИККАЧА: вайронгарлик ва эзгулик орасидаги одам

Ихтирочининг ўғли

Альфред Нобель 1833 йилнинг 21 октябрида Стокгольмда камбағал қурувчи оиласида дунёга келади. У 4 ёшга тўлганда, Нобеллар оиласи қийинчиликлар туфайли Санкт-Петербургга кўчиб келишади. Отаси Иммануэль асли қурувчи бўлса-да, вақти-вақти билан турли ихтироларга қўл урар, баъзида бунинг урғусидан чиқиб яхшигина пул ишлаб оларди. Айниқса, у пар билан ҳаракат қиладиган машина ихтироси орқасидан оилавий шароитни бирмунча яхшилашга эришди ва ўғилларининг нуфузли ўқув юртиларида тахсил олишига шароит яратди. Иммануэлни турт нафар ўғлидан фақат Альфредда отасининг ихтирочилиги қобилияти бор эди. У кимё фанини ўрганиб, машҳур кимёгар олимлардан назарий ва амалий билимлар олиш билан чекланмай, ўзи ҳам ҳаёт учун хавфли бўлган турли тадқиқотлар олиб борарди.

Альфред Нобель нитроглицерин — сульфат, азот кислотаси ва глицерин аралашмаси ихтиро қилинганини, лекин уни амалда қўллашнинг иложи йўқлигини биларди. Чунки жуда оз миқдордаги нитроглицериннинг устига болга билан урилса портлаши маънавий бўлиб, муаммо эса мазкур портлашни тўлиқ назорат қилиш мушкуллигида эди.

1858 йилда Иммануэль Нобелнинг кичкина фабрикаси таназулга учрагач, оиласи билан яна Швецияга қайтиб кетди. Альфред Стокгольмга келгач, акаси Людвигнинг устахонасида ишлаш давомида, нитроглицерин устидаги тадқиқотини янада кучайтиради. Шу тариқа у ўзининг "Нобелнинг портловчи мойи", деб аталган биринчи швед патентини олишга муваффақ бўлади. Альфред Нобель отаси ва акаси Эмиль билан Хеленеборгда устахона очиб, хавфсиз портловчи моддалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ният қилишади. Лекин бу жараён жуда қалтис эди. Биринчи уриниш фожиаля аяқ топади, 1864 йили уларнинг устахонаси портлаб, кули қўққа учади ва бир неча ишчилар каторида Эмиль Нобель ҳалок бўлади. "Йиқилган курашга тўймайди", дейишгандек, бу ҳалокат Нобелларнинг фикридан қайтара олмайди.

Кетма-кет содир бўлган муваффақиятсиз синовлар ва жаноб Нобеллар корхонасида ишлаб чиқарилган зарарли маҳсулотлар оқибатида кўплаб қурбонлар ва талафотлар ошиб боравериди. Шу сабабли Швеция ва унга яқин давлатлар "Нобелнинг портловчи мойи"ни ишлаштири, уни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга олиб киришни тақиқлаб қўйди.

Муваффақият қалити

Бу тақиқлар Альфред Нобелнинг иродасини букиш ўрнига, аксинча, унинг ихтирочилик қувватини янада оширди. Тез орада у нитроглицеринни дунё бозорига сотишнинг хавфсизроқ усулини ўйлаб топгач, Нобелнинг портловчи маҳсулотини темир йўл туннели куриш ва шахталарни очиш учун харидорлар сони ошиб борди. Хеленеборгда содир бўлган фожиадан атиги олти ҳафта ўтгач, Альфред Нобель дунёда ягона АО Нитроглицерин корхонасига асос солди. Нитроглицерин ва кизельгур бирикмаси муваффақият қалити бўлди.

1863 йил детонаторга патент олган Альфред Нобель икки йилдан сўнг тинимсиз ва машаққатли тадқиқотлар натижаси ўлароқ динамитни кашф этди.

Грек тилидан олинган, "dynamis" — куч, қудрат маъносини англатувчи динамит Нобелнинг номи билан дунёга машҳур қилди. Динамит савдосидан унинг чўнтагига пул дарёдай оқиб қирарди. Энди Альфред динамитта янада қудратли тус бериш ва уни сув остида ҳам қўллаш устида бош қотирарди, натижада бунинг ҳам урғусидан чиқди. Динамит яратилганидан 10 йил ўтгач эса ихтирочи олим ўзининг яна бир улкан кашфиётини амалга оширди. Нитроглицерин ва пироксилнинг тенг бирикмасидан ташкил толган баллистит ёки нобель порохи қудрати билангина эмас, портлатилганда кам тутун чиқариши билан аввалгидан фарқ қиларди.


Ихтирочилик ва тадбиркорлик фаолияти Нобелга катта даромад манбаи бўлиб қолди.

У Париждаги қароргоҳида туриб, Европанинг турли бурчакларидаги 20 дан ошқоқ корхоналарини шахсан ўзи бошқарарди. Альфред Нобель Шотландия, Вена, Стокгольмга ташриф буюришни қанда қилмасди. Айниқса, АҚШ, Швеция ва Италияда динамит савдоси қизғин эди, у хаттоки Осиеда ҳам динамит ишлаб чиқарувчи корхона қурди.

Уни "ўлим савдоғари", деб атай бошлашди

Динамит қисқа муддатда Нобелга шон-шухрат ва мислсиз бойлик келтирди.

Аввалги динамит кон шахталарини очиш, йўл куриш ва эски биноларни бузишда ишлатилган бўлса, кейинчалик динамитнинг куч ва қудратидан ҳарбий мақсадларда фойдаланила бошланди. Альфред пасифистик гоялар тарафдори бўлса-да, катта бойлик вазвасаси устун келиб, у 10 дан ортиқ динамит ва турли портлатув-



чи қуроллар ишлаб чиқарадиган завод, фабрикаларни йўлга қўйди.

1888 йилда Канда Альфреднинг катта акаси Людвиг Нобель вафот этди. Шунда француз газеталаридан бири адашиб Людвигнинг ўрнига Альфред Нобелнинг некрологини чоп этди. Сарлавҳаси шундай номланган эди: "Ажал сотувчиси вафот этди!". Мақола муаллифи Альфред Нобелни бойлик орттириш мақсадида динамит кашф этгани ва унинг савдоси оқибатида кўплаб ўлим ҳолатлари содир бўлаётганлигида айблаганди. Шундан сўнг бошқа газеталар ҳам Нобелни "Қон устига қурилган миллиардер", "Ўлим савдоғари", дея атай бошлашди. Бу айбловлар унинг руҳиятига қаттиқ таъсир қилди. Альфред Нобель халқ уни қудратли қурол ихтирочиси эмас, ер юзиде эзгулик тарқатувчи инсон сифатида хотирлашини астойдил истади ва бунга эришишга аҳд қилди.

Энг эзгу васият! Мукофот кимга?!

"Мен, Альфред Нобель, бутун мол-мулкимни хизматчиларим қимматли қоғозга айлантиришини, жамғарма ташкил этишини ва фозиини ўтган бир йил давомида инсониятга энг кўп фойда келтирган одамга мукофот тариқасида берилишини васият қиламан.

Мазкур фойзалар 5 қисмга бўлиниб, биринчи қисми — физика, иккинчиси — кимё, учинчиси — физиология ёки медицина соҳаларида оламшумул ангиллик яратган ва ихтиро қилган, тўртинчиси — адабиётда энг олий инсонийлик тимсолини ифода этган асарга, бешинчиси — халқлар ҳамжиҳатлиги, қулликка барҳам бериш, ҳарбий тўқнашувларнинг олдини олиш ва ер юзиде тинчлик барқарорлигига муносиб ҳисса қўшган инсонларга берилинсин.

Алоҳида истагим шуки, номзоднинг миллати тақдирлинишига таъсир қилмаслиги шарт, фақат энг муносибларгина Нобель мукофотига сазовор бўлишининг.

Шундай қилиб, 1895 йил 27 ноябрда тузилган мазкур васият бўйича дунёда энг машҳур ва энг нуфузли Нобель мукофоти пайдо бўлди.

Бугунги кунда ҳар йили Нобель мукофоти ғолибларига Альфред Нобелнинг сурати туширилган олтин медал ва 1,4 миллион миқдоридеги АҚШ доллари тантанали топширилади. Тақдирлаш маросими йилнинг 10 декабрида Нобель Альфред вафот этган кун Стокгольм ва Ослода бўлиб ўтади.

Яна бир муҳим жиҳати, Нобель мукофотини ҳеч ким, ҳеч қандай куч бекор қилолмайди.

Рус тилидан "Инсон ва қонун" мухбири Фарида ҚОРАҚУЛОВА таржимаси.

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ўқув қайда бўлса, улуғлик бўлур, Билим қайда бўлса, буюклик бўлур

Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 14 августдаги "Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарориде юксак маънавиятли, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, педагог ходимларнинг қадр-қиммати ва нуфузини ошириш, уларнинг моддий, маънавий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, халқ таълими тизимидаги педагог ходимларга истеъмол кредитлари, шу жумладан, автокредитлар бериш йўлга қўйилди. Бугун минг-минглаб ўқитувчилар давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ қўрилиб, "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси", "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" "Фидокорона хизматлари учун" ордени, "Меҳнат шухрати" ордени, "Шухрат" медали, Халқ таълими вазири раҳбарининг "Халқ таълими аълочилиги" кўкрак нишонлари билан тақдирланмоқда. Жумладан, ТДЮУ жамоасида ҳам ана шундай давлат мукофотлари билан тақдирланган профессор ўқитувчилар борлиги жамоамизнинг гуруридир. Ҳалимбой Бобоев, Замира Эсанова "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрст", Мавлюда Аҳмедшоева — "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", деган шарафли унвонларга сазовор бўлганлиги фахрдир.

Ҳа, бугун ҳар ўқитувчи Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривожини учун ўзининг беминнат ва фидокорона меҳнатини аямайди.

Фируза МУХИТДИНОВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори,
юридик фанлар доктори

КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАЖБУРИЙ МЕҲНАТГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙДИ



Пандемия шароитида барча бошланғич касабани уюшмалари ташкилотлари каби Таълим, фан ва маданият ходимлари Гиждувон тумани касабани уюшма ташкилотларида ҳам бугунги кун талабига мос равишда меҳнат самарадорлигига эришиш учун карантин ва санитария — гигиена қоидаларига риоя этган ҳолда меҳнат шартлири яратилган, антисептик воситалар билан таъминланган ташкилотларда изоляция хоналари тайёрлаб қўйилган. Узини ва атрофдагиларни асрашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Пандемия қийинчиликларига қарамасдан, "Меҳнат қилиш мажбурият эмас, бу ҳар бир фуқаронинг Конституциявий ҳуқуқидир" сўзлари барча бошланғич ташкилотларнинг шорига айланган. Ўзбекистон томонидан Халқаро меҳнат ташкилотининг хозирга қадар 17 та Конвенцияси ва 1 та баённомаси ратификация қилиниб, уларнинг норма қоидалари миллий меҳнат қонуночилигимиз тизимида имплементация қилингани мажбурий меҳнатнинг олдини олиш, уюшчи эркинлиги ва жамоавий битим тузиш ҳуқуқи, шунингдек, болалар меҳнати ва иш жойидаги камситишга йўл қўймаслик муносиб меҳнатга эришишда муҳим омил эканлиги ҳар бир ходим эътиборига етказилмоқда.

"Биз мажбурий меҳнатга қаршимиз!", "Мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай қўрилиши инсон ҳуқуқларининг бузилишидир!" мавзуларида ўтказилган семинарлар инсон қадри нечоғли юксак эканлигини далolat беради. Айниқса, Гиждувон тумани кенгаши раиси Юнус Ҳомидов раҳбарлигида мажбурий меҳнатнинг олдини олиш борасидаги суҳбатлар, учрашувлар, конференциялар ўтказилиши, ушбу долзарб мавзудаги плакатлар ва қўлланмалар, буклетларнинг ҳар бир ташкилот, ҳар бир ходимга еказилиши, ташкилотларда ходимлар ва иш берувчи ўртасида соғлом муносабатлар ўрнатиш борасидаги маслаҳатлар диққатга сазовор.

Туман кенгаши тасарруфидаги 66 та умумий ўрта таълим мактаби, 67 та давлат мактабига таълим муассасаси ҳамда 8 та мактабдан ташқари муассасага "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" муносабати билан узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган устозлар ва мураббийлар эсдалик совғалари ҳамда таълим тизимидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож касабани уюшма аъзоларининг фарздандаридан 350 нафарини ўқув қуроллари билан таъминлашлари таълим ходимларининг меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Розия АБДУВАГОВА,
Гиждувон туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактаби
бошланғич касабани уюшма раиси

АНДИЖОНЛИК ФИРИБГАРЛАР БУХОРОДА СУДЛАНДИ



ЖИНОЯТ ишлари бўйича Бухоро туман судининг очик суд мажлисида асакалик фирибгар ошналар — 1976 йилда туғилган, муқаддам тўрт мартаба фирибгарлик ва бошқа жиноятлари учун “ўтириб” чиққан Самандар Абдуллаев ҳамда 1985 йилда туғилган, муқаддам уч мартаба ўғирлик жинояти учун судланган Авазбек Мўйдиновларга нисбатан фирибгарлик билан боғлиқ жиноят иши кўриб чиқилди.

Ҳаётда турфа хил одамларни учратасиз. Айрим инсонлар бу дунёда нима учун яшаётганликларини унутиб қўяди, савобли ва хайрли ишларни амалга ошириб, халқнинг дуосини олиш, хурматини қозониш ўрнига жиноят устига жиноят қилади.

Ҳаётдаги энг олий неъматлардан бири озодлик, деган тушунчалардан йироқда, ота-она, оила, фарзандлар, ака-укалар меҳридан айро яшаш, бу яшаш эмаслигини, нахотки, бир марта жиноят содир қилиб, жазони озодликдан маҳрум қилиш жойларида ўтаб қайтган жиноятчи фуқароларимиз билмасе, ҳис этмасе. Агар улар буни ҳис этганида ҳеч қачон такор жиноятга қўл ўрмаган, ўз умрини ўзи елларга совурмаган бўларди.

Андижон вилоятида туғилиб, тирикчилик қилиш мақсадида Бухорога келган Самандар Абдуллаев ва Авазбек Мўйдиновлар муқаддам бир неча мартаба судланиб, жазони ўтаб чиққан бўлишларига қарамасдан, ўзларига тегишли хулоса чиқармасдан, хавфли рецидивист сифатида, алдаш ва ишонччи суистеъмо қилиш йўли билан ўзганинг мулкни қўлга киритиш мақсадида олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, тadbиркор Одил Каримовга тегишли МЧЖга қарашли 2,5 гектар иссиқхонани ҳар бир гектарини 130.000.000 сўмдан қуриб беришга келишиб, уни ишонтириб, қурилиш ишларини бошлаш учун ишчиларга хизмат ҳақини бериши лозимлигини айтиб, тadbиркорни ишонтириб, олдиндан унинг 134.000.000 сўм пулларини олиб, шундан, 40.000.000 сўмини ишчиларга иш ҳақи сифатида бериб, қолган 94.000.000 сўм пулларни эса бермасдан ва қурилиш ишларини ҳам тугатмасдан, О.Каримовни алдаб, пулларни ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб, тadbиркорга катта миқдорда моддий зарар етказиб, фирибгарлик жиноятини содир қилган.

Жабранлуви О.Каримов эса бу фирибгарларнинг ваъдаларига ишониб, кўп миқдорда зарар кўрди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Мазкур жиноят иши бўйича С.Абдуллаев Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари билан айбли, деб топилди, унга нисбатан Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибда узил-кесил 5 йилу 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. А.Мўйдинов эса Жиноят кодекси 168-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлиги учун 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниши ва жабранлувчининг фойдасига улардан 94.000.000 сўм зарар солидар тартибда ундирилиши белгиланди.

Фирибгарлар ўз қилмишларидан пушаймон бўлиш ва тadbиркорга етказилган зарарни қоплаш ўрнига туман судининг чиқарган ҳукмдан норози бўлиб, шикоят ҳам ёзишди. Туман судининг фирибгарларга нисбатан чиқарган ҳукми вилоят суди апелляция инстанциясида кўриб чиқилиб, туман судининг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилиб, биринчи инстанция судининг ҳукми одилона ва асосли эканлиги ўз тасдиғини топди.

Нозим ЖўРАЕВ,
 жиноят ишлари бўйича
 Бухоро туман суди раиси

“Кўзи очилмаган” ота ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ

БУВАЙДА туманининг Ҳақимтўра қишлоғида яшовчи Дониёржон Эргашев зиммасидаги оталик мажбуриятини “унутиб” қўйди. Гап шундаки, Дониёржон бундан бир неча йил муқаддам фуқаро Ж.Ҳалилова билан турмуш қурганди. Ўшанда — турмушининг дастлабки йилларида ёш эр-хотин рисоладек ҳаёт кечиргани шубҳасиз. Негаки, ўртала-рида туғилган бир нафар фарзанд ота-онасига чексиз қувонч ҳадаэ этган, албатта. Бироқ кейинчалик арзиман келиш-мовчиликлар туйфайли уларнинг орасидан мурося қочиб, оилада тез-тез жанжал чиқадиган бўлиб қолди. Оқибатда, бу ҳолат ажрим билан якун топди.

Шундан сўнг фуқаролик ишлари бўйича Кўкон туманлараро судининг 2013 йил 20 сентябрдаги суд буйругига биноан Д.Эргашевдан бир нафар фарзанди вояга етгунга қадар ҳар ойлик даромадининг 1/4 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган. Лекин Дониёржон собиқ хотинига аччиқ қилиб, алимент тўлашни пайсалга солаверган. Пировардида, унга нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилади. Шундагина у бўйнидаги қарзини тўлашга мажбур бўлган. Яъни, унинг қарзи 9 103 330 сўмга етган. Бу эса Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47⁴-моддасида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлиб, Бувайда туман маъмурий судининг 2018 йил 8 ноябрдаги қарорига му-

вофиқ қарздорга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган. Бироқ Д.Эргашевнинг “сўйир” кўзи маъмурий жазони ўтаб чиққандан кейин ҳам очилмаган. Натихада у 2018 йил 1 декабрдан 2020 йил 1 мартга қадар алимент мажбуриятларини бажармай, 7 833 105 сўм миқдорида қарздор бўлиб қолган. Шу боис унга нисбатан иккинчи мартаба Жиноят кодексининг 122-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши кўзгатилади. Жиноят ишлари бўйича Бувайда туман суди эса ўзининг 2020 йил 14 майдаги ҳукми билан айбдорни 6 ой муддатга озодликдан маҳрум этиб, суд залидан қамоққа олади.

Буни қарангки, қачонки озодликдан маҳрум этилгандагина судланувчининг яқинлари Ж.Ҳалиловага 7 833 105 сўм миқдоридаги зарарни тўлиқ тўлаб беришади. Шунинг учун Д.Эргашев ҳимоячиси билан бирга жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судига апелляция шикоятини бериб, жавобгарликдан озод қилишларини сўрайди.


Тўғри, Жиноят кодексининг 122-моддаси, 3-қисмида агар шахс алимент

мажбуриятлари бўйича қарздорликни тўлаган бўлса, у жавобгарликдан озод қилиниши белгиланган. Лекин апелляция суди мажлисида Дониёржоннинг яна бир гирромлиги фош бўлади. Яъни, у аввалги 9.103.330 сўм миқдоридаги қарзини ханузгача тўламаган экан. Бинобарин, суд судланувчининг жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги вазвлари билан келишмади. Пировардида, апелляция судлов ҳайъати биринчи босқич судининг ҳукмини ўзгартириб, Д.Эргашевга нисбатан 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинлади. Шу муносабат билан у Фарғона шаҳридаги 10-сонли тергов ҳибсхонасидан қамоқдан озод қилинди.

Ажаб эмас, энди Дониёржон эски қарзини тўлаш баробарида аввалги қисматидан ўзига тегишли хулоса чиқариб олса.

Турғунали МИРЗАЕВ,
 жиноят ишлари бўйича Фарғона
 вилоят суди судьяси,
Умиджон МЕҲМОНАЛИЕВ,
 жиноят ишлари бўйича Риштон
 туман суди раиси

ЖИНОЯТ турлари ичида энг кўп учрайдигани фирибгарликдир. Фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишонччи суистеъмо қилиш йўли билан ҳақ тўламай эгаллашда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулк эгаси ёки бошқа шахс ёхуд ваколатли ҳокимият органи мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериб, ёкини ушиб мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйишга имконият беради.



ИЗЗАТИНИ БИЛМАГАН ҚАРИЯ

КЕКСАЛИК гаштини суриш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бу кунларга етганларни эъзозлаб, хурмат қилиб, давраларнинг тўридан жой беришади. Аммо нуруний ёшдагиларнинг ҳаммаси ҳам бундай эҳтиромга муносиб бўлавермайди. Самарқанд шаҳар Галаосиё маҳалласида яшовчи Тўлқин Рустамов (исм-шарифлар ўзгартирилган) кексалик гаштини суриб, набиралар ардоғида бўлиш ўрнига жиноят кўчасига қадам босди. Салкам етмиш ёшга бориб қолган отахон ёшларга панд-насихат қилиш ўрнига гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилиш ва уни етиштириш билан шугулланиб келган.

“Урганган кўнгли ўртанса қўйма”, деганларидек, ёши бир жойга бориб қолган Т.Рустамов муқаддам ҳам айнан гиёҳвандлик моддаси сотиш билан шугуллангани учун икки мартаба судланиб, турли муддатга озодликдан маҳрум этилган, лекин тегишли хулоса чиқармаган.

Ҳаётда анча йўлни босиб қўйган, оқу қорани танган, келин-қўёвли, набирали, мўйсафид, жорий йилнинг бошида Хоразм вилояти Гурлан туманида яшовчи 1988 йилда туғилган Сами Эшовга Самарқанд тумани худудидан ўтган М-37 автомагистрал йўлида рангли пакетга солинган, 12 дона гургут қутисига қадоқланган қуруқ ҳолдаги 36,3 грамм миқдордаги “марихуана” гиёҳвандлик моддасини 4 миллион 200 минг сўмга сотаётган пайтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари томонидан ушланган.

“Оғу” сотиб ўрганган отахоннинг яшаш манзили қўздан кеңирилганда, ётоқхонасидан 3 дона гургут қутисига қадоқланган қуруқ ҳолдаги 2,35 грамм беш дона гургут қутида бўлган 10,66 грамм миқдордаги гиёҳвандлик моддалари сақлаб келинаётганлиги аниқланди.

Давлатимизнинг кексаларга бўлган ҳурмат-эътибори, уларни қадрлаш борасида курсатилган инсонийлик тамойилларини инобатга олиб, суд ҳайъати 68 ёшли Т.Рустамовга унинг соғлиги ва ёшнинг ҳисобига олиб жазодан озод қилди. Аммо Т.Рустамов бу адолатли инсонпарварликни, набираси тенги 32 ёшли йигитга бу оғуни сотиб, уни ҳам жиноят йўлига бошлаганини тўғри тушуниб етармикан? Ана шу савол кишини ўйлантиради.

Жаҳонгир АРСЛОНОВ,
 жиноят ишлари бўйича
 Самарқанд вилоят суди судьяси,
Абдусаттор АБДУРАЗЗОҚОВ,
 жиноят ишлари бўйича
 Каттакўрғон шаҳар суди раиси

ТУЗОҚҚА ТУШМАНГ!

Жиноят кодекси 168-моддаси диспозициясига мувофиқ фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулк эгаси ёки бошқа шахсга маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд мулк эгаси ёки бошқа шахснинг янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади.

Фирибгарликда ишонччи суистеъмо қилиш деганда, айбдор томонидан мулк эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган бошқа шахслар билан бўлган ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозим. Ишончга турли холатлар, масалан, айбдор шахснинг хизмат мавқеи ёки унинг жабранлувчи билан шахсий ёки қариндош-уруғлик муносабатлари сабаб бўлиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яшнобод туман суди томонидан Жиноят кодек-

сининг 168-моддаси билан 2019 йил 8 ойи мобайнида 28 та иш 31 шахсга нисбатан, 2020 йилда 8 ойи мобайнида 37 та иш 48 шахсга нисбатан мазмунан кўри-либ, мазкур тоифадаги жиноятлар 15,4 фоизга ошган. Бу эса барчамиз учун ачинарли ҳолдир.

Ҳақиқатга тик қарайдиган бўл-сак, фирибгарлар айримлари мизнинг кўшиммиз ёки дўстимиз бўлиши ҳам мумкин. Бироқ одамларнинг лоқайдлиги, сен менга тегма, мен сенга тегмайман, қабилдаги кайфият ҳамон бизни тарк этмагани сабаб фирибгар, жиноятчи ва нияти бузуқ ғаламисларга орамизда бемалол ҳаракат қилиш имконини тўғдириб бermoқдамиз. Беларволик қил-масдан ўз вақтида ана шундай шахсларнинг қора қилмишларига чек қўйишига ўз ҳиссамизни қўша олсак, аввало, бир бечорани талафотдан қутқариб қоламиз, қолаверса, жамият ривожига ҳис-са қўшган бўламиз.

Бахриддин ИКРАМОВ,
 жиноят ишлари бўйича
 Тошкент шаҳар Яшнобод
 туман суди судьяси

Қаердан нималарни олиб чиқиш тақиқланган?

Пандемия чекиниши, карантин чекловлари бекор қилиниши билан кўпчилик дам олиш ва хизмат юзасидан турли мамлакатларга сафарга отланиши табиий. Ҳар ернинг ўз тош-тарозиси бор. Қаердан нима олиб чиқиш мумкин-у, нима мумкин эмаслигини ҳар биримиз яхши билишимиз лозим. Шу сабабли, қуйида берилган айрим тавсияларни эсда тутсангиз зиён қилмайди:

Миср Араб Республикаси — турли маржонлар, денгиз чиғаноқлари, тимсоҳ териси (тулму), фил суягидан ясалган маҳсулотларни олиб чиқиш тақиқланади.

Таиланд — махсус чек ва сертификатсиз қимматбаҳо тошлар, тилла буюмларни олиб чиқишига йўл қўйилмайди. Шунингдек, Будданинг йирик ҳайкаллари ва тимсоллари (Будда тасвири туширилган

кулонлар, брелоклар, тақинчоқлар бундан мустасно)ни олиб чиқиш тақиқланади.

Туркия — қиймати 15 минг АҚШ долларидан ортадиган тилла буюмларни тегишли чек ва сертификатсиз олиб чиқиш мумкин эмас.

Мальдив ороллари — маржонлар ва акула тишларини мамлакатдан олиб чиқишга йўл қўйилмайди.

Ҳиндистон — Ҳинд рупияси ва яратилганга 100 йилдан ошган тарихий буюмларни олиб чиқиш тақиқланади.

Куба — 23 донадан ортқ сигарини чексиз олиб чиқишга, шунингдек, тирик тимсоҳлар ва уларнинг тулумлари, тошбақалар ва уларнинг қосасидан ясалган маҳсулотларни олиб чиқишга рухсат берилмайди.

Сейшел ороллари — маржонлар,

“Коко де мер” кокослари, тошбақа тошидан ясалган буюмларни олиб чиқиш мумкин эмас.

Бразилия — ҳар қандай тирик жонзолар, уларнинг териси, мўйнаси, патлари ва улардан қилинган маҳсулотларни олиб чиқишга йўл қўйилмайди.

Япония — Самурайлар ишлатган махсус темир қиличлар — катаналарни олиб чиқиш мумкин эмас (сувенир кўринишидаги қиличлардан ташқари).

Ўзбекистон — жисмоний шахсларга умумий қиймати 5 минг АҚШ долларидан кўп бўлган товарларни божхона декларацияси тақдим этмасдан олиб чиқиш тақиқланади. Айрим турдаги товарларни олиб чиқишнинг чекланган меъёрлари мавжуд. Жумладан, гуруч — 3 кг.гача, нон маҳсулотлари — 5 кг.гача, гўшт ва гўшт

маҳсулотлари, шакар ва ўсимлик ёғи — 2 кг.гача, шунингдек, янги мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, қурилган сабзавот ва мевалардан 40 кг.гача олиб чиқиш мумкин.

Шунингдек, гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорлар, озонни бузувчи моддалар ва таркибда улар мавжуд бўлган маҳсулотлар, маданий бойликлар, ўқотар қурол ва патронлар, ёввойи ўсимликлар, уларнинг қисмлари, мевалари, уруғлари ва ботаника коллекциялари, ёввойи ҳайвонлар, уларнинг қисмлари, зоология коллекциялари, ҳаёт фаолияти маҳсулотлари, ўлжалар, тулумлари, экологик ҳавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни олиб чиқишда ваколатли органларнинг тегишли рухсатномалари талаб этилади.

ЭЪЛОНЛАР

Мустақил изланувчилик

2021 йил учун мустақил изланувчиликка қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

12.00.01	Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи
12.00.02	Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи
12.00.03	Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ
12.00.04	Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва медиация
12.00.05	Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи
12.00.06	Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ
12.00.07	Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура
12.00.08	Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминалогия. Жиноят-ижроия ҳуқуқи
12.00.09	Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

Ҳужжатлар 2020 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади. Фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка қуйидагилар расмийлаштирилади:

- магистр дипломи ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;
- белгиланган илмий мақолаларига эга бўлганлар;
- камидан икки йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлган илмий ютуқлар (ихтиро учун патентлар ёки муаллифлик гувоҳномалари) га эга бўлганлар.
- Фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёки уларга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган тартибда талабларга мувофиқ илмий даража олганидан сўнг салмоқли илмий ютуқларга эришган шахслар расмийлаштирилади.

Мустақил изланувчиликка талабгор қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан ОТМ ёки ИТМга мурожаат қилади:

- қисқача биографик маълумотнома;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик ёки клиник ординатура (тиббиёт фанлари учун) ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар дипломи нусхаси;
- иш жойидан тавсифнома.

Талабгорлар мустақил изланувчиликка ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосаси бўйича амалга оширилади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35 уй, ТДЮУ, Илмий бошқарма. Тел.: 233-66-36. Ички: (1042, 1043)

ИЗОҶ: Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 июлдаги 606-сон қарорига асосан, эндиликда талабгорлар ОТМ ёки ИТМ раҳбарининг ҳар чоракда 5 март, 5 июнь, 5 сентябрь ва 5 декабргача эълон қилинадиган буйруғи билан мустақил изланувчиликка расмийлаштирилади.

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқулов Акбар Жўрабоевич
Рабиёв Шерзод Миржалилович
Тожиёв Фурад Шомуродович
Искандаров Ёрбек Нурбекович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Навбатчи Маруса Ҳосилова
Саҳифаловчи-дизайнер Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Қорона манзили: Тошкент шаҳри, Навой кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4780
Буюртма — V-4339

Тошпириш вақти — 19:00
Тошпирилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.
Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

2021 йил учун таянч докторантура ва докторантура институтларига қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади:

12.00.01	Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, Ҳуқуқий таълимотлар тарихи	2 та PhD
12.00.02	Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ, Молия ҳуқуқи	1 та PhD
12.00.03	Фуқаролик ҳуқуқи, Тадбиркорлик ҳуқуқи, Оила ҳуқуқи, Халқаро хусусий ҳуқуқ	1 та PhD 1 та DSc
12.00.04	Фуқаролик процессуал ҳуқуқи, Ҳўжалик процессуал ҳуқуқи, Ҳакамлик жараёни ва Медиация	1 та PhD
12.00.08	Жиноят ҳуқуқи, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, Криминалогия, Жиноят-ижроия ҳуқуқи	1 та PhD
12.00.09	Жиноят процесси, Криминалистика, Тезкор-қидирув Ҳуқуқи ва суд экспертизаси	1 та PhD
Жами:		7 та PhD, 1 та DSc

Ҳужжатлар 2020 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади

Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига Таянч докторант сифатида кирувчи шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- магистр даражасига, олий маълумот тўғрисидаги диплом (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлганлар;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиш мумкин бўлган илмий натижага, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камидан битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар;

Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига докторантура сифатида кирувчи шахслар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;
- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камидан учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камидан иккита тезисга эга бўлиш.

Таянч докторантурада ўқишга талабгорлар ОТМ ёки ИТМга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Докторантурада ўқишга талабгорлар ОТМ ёки ИТМга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек уларнинг нусхалари.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширилади.

Докторантурада ўқиш учун кираётган талабгорлар Коллегиал орган томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтадилар.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35 уй, ТДЮУ, Илмий бошқарма. Тел.: 233-66-36. Ички: (1042, 1043)

ИНСОН ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИА ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

Бугун дунёнинг турли ҳудудларида ўзбек халқига тегишли бўлган ноёб бойликлар, бебаҳо хазиналар, моддий ва маънавий мерос намуналари сақланмоқда. Шулардан бири Буюк Британиянинг қироллик саройида сақланаётган, бир пайтлар Соҳибқирон Амир Темурга тегишли бўлган қимматбаҳо тош "Темур ёқути"дир. 361 карат (72 грамм) вазнга эга бўлган бу тош кўпчилик мутахассисларнинг айтишича, аслида ёқут эмас, балки лаъл (жавоҳир) саналади. У ўз даврида жуда юқори нархларга баҳолангани учун ўрта асрларда "Хирожи олам", яъни дунёнинг хирожига тенг тош, деб ҳам номланган.

АМИР ТЕМУРНИНГ ЁҚУТИ:

ёхуд дунё шоҳларини ҳайратга солган тош



Хар бир қимматбаҳо тошнинг ўзига яраша тарихи бор. "Темур ёқути" ҳам асрлар давомида турли тапотўпларга, ҳатто қонли қирғинларга сабабчи бўлиб келган. Жавоҳирда турли даврларда моҳир зарар ва ҳатотлар томонидан ўйиб ёзилган олти ҳукмдор (Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Шоҳ Аббос, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, Аҳмадшоҳ) номини учратиш мумкин бўлса-да, аслида у унлаб сулопалар ва ҳукмдорларнинг ҳуқида сақланиб келган. У қўлида турли афсона ва ривоятлар ҳам тўқилган.

Қалпоқ остидаги хазина

XVII асрда яшаган голландиялик ботаник Румфийнинг ёзишича, қадимги Амболон ороли ҳукмдори хонадонида узоқ кутилган чақалоқ дунёга келибди. Бир кун она нима иш биландир, ўглини бир муддат холи қолдириб, ташқарига чиқибди. Қайтиб келса, боласи ётган беланчакка бир илон тирмашиб чиқётган экан. Аёл дод солибди. Хизматкорлар югуриб киришибди. Бу пайтгача илон чақалоқнинг боши ёнига каттақон қизил рангли тошни кўйиб ортага қайтиб кетибди. Шунда бу ҳолга гувоҳ бўлганлар боланинг келгусида жуда буюк инсон бўлишини тушуниб етишибди.

Орадан йиллар ўтиб бола улгайибди. Худди шу пайтда оролда тож-тахт учун фитна кўзғалибди. Шаҳзоданинг тарафдорлари унга зиён етишидан қўриқиб, болани яширишга уринишибди. Бола эса, у туфайли бошқалар зарар кўрмаслиги учун оролдан қочишга қарор қилибди.

Бола унга илон ҳада қилган жавоҳирни қандай олиб чиқиш ҳақида узоқ бош қотирибди. Чунки агар кимдир унда бу қимматбаҳо тош борлигини билиб қолса, боланинг ҳаёти хавф остида қолар эди. Шунда бола мисдан ўзи учун юпка қалпоқ ясаптирибди. Қалпоқ устидан сон-саноксиз тешиқлар очтирибди. Кейин сочини тақир қилиб олдирибди-да, жавоҳирни қалпоқ тагига беркитиб, бошига кийиб олибди. Тез орада тешиқларидан соч ўсиб чиқиб, қалпоқ сезилмай қолибди.

Шундан кейин бола дарвеш кийимларини кийиб, фақирона кўренишда оролни тарк этибди.

Соҳибқирон тожини безаб турган

Бола кейинчалик қайси юртларга борган, унинг бошига қандай кунлар тушгани номаълум. Аммо, маълумотларга кўра, бу жавоҳир узоқ муддат Сиам (ҳозирги Таиланд) қиролининг мулки бўлиб келган ва кейинча-

лик қайсидир йўл билан Дехлига бориб қолган.

Ҳарқалай бу вақт ораллигида қироллар, рожалар, султонлар хазинасида сақлангани, ҳукмдорлар уни қўлга киритиш учун қон тўкишдан ҳам қайтмагани аниқ. Қолаверса, йиллар давомида бу жавоҳирнинг ғайриоддий хусусиятлари ҳақидаги афсоналар ҳам кўпайиб бораверган. Ушбу жавоҳирнинг эгаси ҳар доим жанларда галаба қозонади, душманлари ҳеч қачон уни енга олмайдди, ҳатто қамалда қолган пайтда ҳам ғанимлар ҳамласидан эсон-омон кутулиб чиқа олади, деган қарашлар мавжуд бўлган.

1398 йилда Ҳиндистонни забт этган Соҳибқирон Амир Темур катта хазиналар қатори мазкур қимматли жавоҳирни ҳам қўлга киритади. Табиийки, соҳибқирон бу жавоҳирнинг тарихи билан ҳам қизиққан, унинг ғайриоддий хусусиятлари ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлган.

Бу жавоҳир соҳибқиронга ёқиб қолади ва унга сайқал бериб, ўз тожига ўрнатади. Тошга араб алифбосининг сулс хатида "Амир Темур Кўрагон" номини ёздирди. Айрим маълумотларга кўра, ушбу жавоҳир то умрининг охирига ҳақда буюк саркарданинг тожини безаб турган.

Шоҳлардан шоҳларга

Бу қимматбаҳо тош 1407 йилда Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шоҳрух Мирзога ўтган. Тошда унинг исми борлиги ҳам бу маълумотни тасдиқлайди. 1417 йилда эса, ёқут Мовароуннахр ва Хуросон ҳукмдорига айланган Улуғбекка ўтган ва унга "Мирзо Улуғбек ибн Шоҳрух" сўзларини ўйиб ёздирган.

Жавоҳир кейинчалик Эрон ва Озарбайжонда ҳукмронлик қил-

ган сафавийлар саройига бориб қолади. Буни жавоҳирдаги Шоҳ Аббос (1587-1629) исми ҳам тасдиқлаб турибди. Аммо тош қандай қилиб сафавийларга бориб қолгани аниқ эмас. Эҳтимол, Шоҳ Исмоил Сафавий 1510 йилда Мовароуннахрни эгаллаган пайти бу жавоҳирни ҳам олиб кетган бўлиши мумкин.

Шоҳ Аббос кейинчалик бу жавоҳирни бобурийлар сулоласи вакили Жаҳонгирга тўхфа қилган. Ўз навбатида, Жаҳонгир ҳам тошга ўз исми ва отасининг исмини ўйиб ёздирди. Афтидан бунгача яна бир қанча исмлар бўлган. Лекин нимагадир Жаҳонгир уларни ўчиртириб, ўз отини уларнинг устидан ёздирди.

Шундан сўнг жавоҳир унинг ўғли Шоҳ Жаҳон қўлига ўтади. У тошда ўз исмига Соҳибқиронни соний (иккинчи соҳибқирон) унвонини ҳам қўшиб ёздирди.

Маълумки, Шоҳ Жаҳоннинг ўғли Аврангзёб кўзғолон кўтариб, тахтни эгаллайди, укаси Дорошукунни қатл эттириб, отасини Тожмаҳал қаршисидаги зиндонга ташлаптиради. Табиийки, отасининг барча хазиналари ҳам энди унинг ихтиёрига ўтган эди. У ҳам аввалги ҳукмдорлар анъанасига амал қилиб, жавоҳирга ўз исмини дарж эттирди. 1739 йилда Ҳиндистонга бостириб кирган Нодиршоҳ Афшар Бобурийларнинг қимматбаҳо хазиналари, жумладан, "Кўҳинур" билан бирга "Темур ёқути"ни ҳам ўзи билан олиб кетади.

Афғонистон давлатининг асосчиси Аҳмадшоҳ Дурроний исмининг ҳам тош сиртида учраши кайтаринчи сўрашади. Аммо Замон Мирзо тошлар қаердалигини айтмайди. Замоннинг кўзларини ўйиб олишса ҳам у хазинадан воз кечмайди. Замон Мирзо ўзи билан олиб кирган тошларни девор орасига яшириб қўйган эди.

Орадан йиллар ўтиб, уларни бир маҳбус топиб олади. Унинг қўлидан қимматбаҳо тошлар

қисмини эгаллаб, Афғонистон давлатига асос солади. Демак, у Нодиршоҳ армиясининг катта қисмини ўз тарафига оғдириб олиш баробарида афшарларнинг каттагина бойлиги, жумладан, афсонавий жавоҳирни ҳам ўзи билан олиб кетган.

Инглиз қироличаси бошида...

Ёқутнинг кейинги тақдири афсонавий "Кўҳинур" билан бирга кечади. Чунки, Аҳмадшоҳ хазинасида "Хирожи олам" "Кўҳинур" билан бирга сақланган.

1773 йилда Аҳмадшоҳнинг ўлимидан сўнг, тахтга унинг ўғли Темуршоҳ ўтиради ва пойтахтни Кобулга кўчиради. Темуршоҳдан сўнг тахт ва у билан бирга хазина унинг ўғилларидан бири Замон Мирзога ўтади. Кўп ўтмай унинг иниси Шужоъ-улмулк давлат тўнтаршини амалга ошириб, акасини ҳибсга олади. Уни қийнаб, икки жавоҳирни қайтаришни сўрашади. Аммо Замон Мирзо тошлар қаердалигини айтмайди. Замоннинг кўзларини ўйиб олишса ҳам у хазинадан воз кечмайди. Замон Мирзо ўзи билан олиб кирган тошларни девор орасига яшириб қўйган эди.

Орадан йиллар ўтиб, уларни бир маҳбус топиб олади. Унинг қўлидан қимматбаҳо тошлар

Шужоулмулкнинг қўлига ўтади. Аммо салтанат унга вафо қилмади. Навбатдаги тўнтарши сабабли унинг тахтини укаси Маҳмуд эгаллайди. Акасини зиндонга ташлаб, ундан олмосни қайтаришни сўради. Бир пайтлар Шужоулмулк акасининг кўзларини шу тошлар сабаб кўр қилган бўлса, унинг ўзи ҳам шу кўйга тушади. Бир амаллаб зиндондан қочган Шужоулмулк оиласи билан Лаҳор рожаси Ранжит Сингхнинг ҳузурига қочади.

"Панжоб арслони" номини олган Ранжит Сингх аввалига Шужоулмулкни очиқ чөҳра билан кутиб олади, унга бошлана беради. Аммо собиқ ҳукмдор ўзи билан жаҳондаги энг машҳур тошларни ҳам олиб юрганини эшитиб, уларни куч билан тортиб олади.

Ранжит Сингх умрининг охиригача бу икки жавоҳирни эҳтиёқкорлик билан сақлаб келди. Унинг ўлимидан сўнг салтанат парокандаликка учрайди.

1849 йили Лаҳор инглизлар томонидан босиб олинади. Лаҳор хазинаси эса "Кўҳинур" ва "Темур ёқути" билан бирга Англияга жўнатилади. Бошқа бир тахминга кўра, бу тошларни рожанинг ўғли валиахд Дилип Сингх ҳарбий ҳамкорлик эвазига Қиролича Викторияга ўз қўли билан совға қилган.

1853 йилда "Темур ёқути" Қиролича Виктория учун махсус ясалган зебиғардонга безак сифатида ўрнатилади. Айни пайтда "Темур ёқути" Букингем саройидаги "Ҳиндистон хонаси"да сақланади.

Рустам ЖАББОРОВ тайёрлади.

